

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 26 май, № 106 (9277) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАСИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 май куни илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада илмий фаоллик, халқаро илмий нашрлардаги мақолалар сони ҳамда юқори рейтингга эга журналларда чоп этилаётган тадқиқотлар улуши изчил ўсиб бормоқда.

Қолаверса, илмий кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини кучайтириш, академик ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш ва соҳадаги бошқарув тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан тақдимотда юқори салоҳиятли илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг узоқ муддатли илмий-технологик ривожланиши учун устувор ҳисобланган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия, озиқ-овқат хавфсизлиги, тиббиёт, сув ресурслари, янги материаллар ҳамда сейсмология каби соҳалар бўйича илмий кадрлар тайёрлашда изланувчиларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

Бунда устувор йўналишлардаги докторантлар стипендиясини 1,7 баробар ошириш ҳамда илмий тадқиқотларда зарур бўлган асбоб-ускуна ва реагентлар хариди учун ҳар йили қўшимча маблағ ажратиб бориш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий раҳбарлар масъулияти ва уларни рағбатлантириш механизмларини кучайтириш таклиф қилинди. Эндиликда муваффақиятли ҳимоя қилинган диссертациялар бўйича илмий раҳбарларнинг халқаро илмий фаоллик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим йўналишлардан бири — Олий аттестация комиссияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича янги ёндашувлар таклиф этилди.

Бунда Олий аттестация комиссияси фаолиятини Фанлар академияси тизимида ташкил қилиш, илмий кенгашлар масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий даража бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш таклиф қилинди.

Хусусан, ҳозирги кунда диссертация ҳимояси жараёнида амал қилаётган тартиб-таомилларнинг 50 фоизи рақамлаштириш ҳисобидан қисқартирилади.

Мазкур жараёнда кўп сонли ҳужжатларни чоп этиш, авторефератларни катта миқдорда тайёрлаш ҳамда диссертацияларни такроран муҳокама этиш билан боғлиқ ортиқча талаблар бекор қилиниши назарда тутилмоқда. Бу эса изланувчилар учун қулайлик яратиш, вақт ва маблағ сарфини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, илм-фан ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграциясини кучайтириш мақсадида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида олишни назарда тутувчи "Лойиҳа доирасида илмий даража" ҳамда "Амалий докторантура" дастурларини йўлга қўйиш таклиф қилинди.

Ушбу ёндашувлар доирасида докторлик тадқиқотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг амалий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бунда илмий изланишлар реал сектор корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилиб, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, илмий лойиҳаларни молиялаштириш ва саралаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Жараёнга халқаро экспертларни жалб қилиш, замонавий рақамли технологиялар асосида лойиҳаларни баҳолаш тизимини жорий этиш ҳамда илмий тадқиқотларни молиялаштиришда шаффофлик ва самарадорликни ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, илмий фаолликнинг юқори ўсиш суръатлари тадқиқот сифати, академик ҳалоллик ва ички илмий назорат механизмларини янада кучайтиришни талаб қилаётир.

Шу муносабат билан олимларнинг илмий фаолиятини кузатишнинг ягона рақамли тизимини жорий этиш, илмий этика стандартларини такомиллаштириш, тадқиқот сифати устидан таъсирчан мониторинг механизмларини йўлга қўйиш таклиф қилинди.

Хорижда фаолият юритаётган тажрибали ватандош олимлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Жумладан, илм-фан соҳасини халқаро тажриба асосида ривожлантириш, илмий тадқиқот маданиятини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий методологик стандартларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқувчи Илм-фан маслаҳат кенгашини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, илм-фан ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда илмий тадқиқотлар сифатини янада ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

## СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ВА СЕЛ СУВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

**Президент Шавкат Мирзиёев сув фонди ерлари ҳамда сел сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригация тармоқларини модернизация қилиш ва сув тежамкорлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, юртимиздаги 150 минг километр дарё ва канал ўзанларини бетонлаш ишларининг бошлангани натижасида йилига 1,3 миллиард куб метр сув тежалмоқда. Бу Навоий вилоятининг бир йиллик сув истеъмолига тенг. Шу кунга қадар 2 минг километр магистрал канал бетонлаштирилди, 721 километр канал, 525 километр лоток ва ёпиқ тармоқлар қурилди. Ушбу мақсадларга 3 триллион сўм ажратилди. Натижада 858 минг гектарда сув таъминоти яхшиланиб, 51 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди.

Йиғилишда сув инфратузилмасини нафақат техник объект, балки иқтисодий актив сифатида кўриш зарурлиги таъкидланди. Бугун дунёда дарё, канал, сув омборлари ва кўллар бўйида туризм, дам олиш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этиш катта иқтисодий йўналишга айланган.

Бундай лойиҳалар кўчмас мулк ва ер участкалари қийматини ошириш, туман ва шаҳарлар иқтисодиётини жонлантириш, ички туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экологик барқарорликни яхшилашга хизмат қилади.

Жаҳон тажрибасида сув инфратузилмаси атрофидаги туризм лойиҳаларига киритилган 1 доллар сармоянинг иқтисодий қайтими 3 — 10 доллар атрофида баҳоланади.

Шу боис мутасаддилар ва ҳокимлар сув инфратузилмасини иқтисодий самара берадиган лойиҳаларга айлантириш устида тизимли ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун қатор янги имкониятлар яратилади. Жумладан, қирғоқлар ювилиши ва сув босишига сабаб бўлаётган қум-шағални қазиб олишга рухсат берилади. Сув ва сел-сув омборлари, канал, коллектор, табиий кўл ва гидротехника иншоотларини тупроқдан тозалаш ишларига тадбиркорлар тендерсиз жалб қилинади. Сув ва сел-сув омборларида сувдан бўшаган ерлар экин экиш учун аукцион орқали ижарага берилади.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда мазкур имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Сув фондига тегишли участкаларда тадбиркорлик, туристик ва кўнгилочар объектлар қуриш имконияти бўлган 100 минг гектар ер майдони аниқланган. Ушбу ерларда 100 минг аҳолининг бандлигини таъминлаб, йилига 220 миллиард сўм қўшимча даромад манбаини яратиш мумкин.

Мутасаддиларга сув фонди ерларини ижарага бериш, мониторинг қилиш, шартномалар тузиш ва ҳисоботини онлайн юритиш бўйича ахборот тизимини ишга тушириш топширилди. Космик тадқиқотлар агентлигига дарё ўзанлари ва сув хўжалиги объектларидан қазиб олинадиган қум-шағал ҳажмини аниқ ҳисоблаш ва тегишли идораларга тақдим этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда сел-тошқин сувларидан фойдаланиш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Иқлим ўзгариши туфайли сўнгги йилларда қисқа вақтда кучли ёмғирлар кўпаймоқда. Бу эса сел-тошқинлар хавфини оширмоқда. Айниқса, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг тоғли ва тоғолди ҳудудларида сел хавфи юқори ҳисобланади.

Сел-тошқинлар инфратузилма ва қишлоқ хўжалигигагина эмас, балки саноат, суғурта, логистика ҳамда ташқи савдога ҳам зарар етказади. Қолаверса, сел сувлари хавф манбаи бўлиш билан бирга сув захираларини тўлдириш учун ҳам катта имкониятдир.

Мамлакатимизда сел хавфи мавжуд 60 та йирик сой орқали йилига 690 миллион куб метр сув самарасиз оқиб кетмоқда. Ундан оқилона фойдаланиш орқали 13 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш, сув таъминотини яхшилаш ва балиқчиликни ривожлантириш имконияти борлиги таъкидланди.

Шу боис сел сувларини бошқаришда фақат тўғон қуриш билан чекланмасдан, интеграл ёндашувни ҳам жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Бунда сел хавфини камайтириш, сувни тўплаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, балиқчилик, туризм ва хизматлар соҳаси билан боғлиқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш назарда тутилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан мутасаддиларга сув инфратузилмасини иқтисодий фаоллик манбаига айлантириш, сел-тошқин хавфларини камайтириш, сув захираларидан самарали фойдаланиш ва мазкур йўналишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш юзасидан қатор топшириқлар берилди.

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС УЧУН МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИ ОШИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, улар учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда бу борада қатор дастурлар амалга оширилиб, тадбиркорларга кредит, компенсация, кафиллик ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари кенгайтирилди. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий хизматлардан фойдаланишида ҳали ҳам айрим тўсиқлар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитлар портфели 218 триллион сўмни ташкил этмоқда. Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоизга тенг. Шу билан бирга, онлайн тарзда ажратилаётган таъминотсиз микрокредитлар улуши кам. Таъминотсиз онлайн микрокредит ажратиш жараёни ўртача 7 кунгача вақт олмоқда. Тадбиркор кредит олиш учун бир нечта банк таклифларини бир жойда кўриш, солиштириш ва ўзига мақбул шартларни танлаш имкониятига эга эмас.

Шу муносабат билан тақдимотда рақамли молиявий платформани ишга тушириш таклиф қилинди. У орқали тадбиркор кредит олиш учун ариза беради, бир нечта банклардан тижорат таклифларини олади, уларни таққослаб, ўзига қулайини танлайди.

Платформа "Электрон ҳукумат" тизимининг рақамли маълумотлар базалари билан интеграция қилинади. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига оид маълумотлар автоматик равишда олиниб, банкларга тақдим этилади. Бу кредит бериш жараёнида ҳужжат йиғиш, ортиқча вақт сарфлаш ва инсон омилини камайтиришга хизмат қилади.

2026 йил 1 декабрдан бошлаб платформа доирасида сунъий интеллект технологиялари элементларидан фойдаланган ҳолда муқобил скоринг модели жорий этилади.

Анъанавий скоринг асосан кредит тарихига таянса, муқобил скоринг бизнес фаоллиги, коммунал тўловлар, айланмалар, солиқ ва бошқа рақамли маълумотларни ҳам ҳисобга олади. Бу кредит тарихи мавжуд бўлмаган тадбиркорларни ҳам баҳолаш, уларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга йўл очади.

Шунингдек, келгусида сунъий интеллект асосида тадбиркорнинг кредит тарихини яхшилаш, хатарларни баҳолаш ва бизнесни ривожлантириш бўйича тавсияларни шакллантириш имконияти яратилади.

Тижорат банклари томонидан "AI маслаҳатчиси" дастурини ишга тушириш ҳам назарда тутилмоқда. Мазкур дастур маҳаллалар ихтисослашуви ва ўсиш нуқталарини ҳисобга олган ҳолда бизнес ғояларни ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ҳам қўшимча енгилликлар белгиланмоқда. Аввал дастур доирасида микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга тадбиркорлар учун микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилади.

Қолаверса, кредит ёки лизинг миқдоридан қатъи назар, унинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми учун фоиз харажатлари компенсация қилинади.

Ҳар йили ўз фаолиятини кенгайтирган ва юқори натижа кўрсатган 100 та тадбиркорлик субъектига рақамлаштириш, халқаро стандартлар ва "яшил" технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар учун 300 миллион сўмгача грант ажратиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, кредит тарихига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, платформа хавфсизлиги ва маълумотларнинг ҳимояланганлигини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

**ЎзА.**

## ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР

*Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик бўйича комиссиянинг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтди.*

*Комиссия мажлисини Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ҳамда Федерация Кенгашининг фан, таълим ва маданият қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Ильяс Умаханов олиб борди.*

**Ҳамкорлик**

Тадбирда Ўзбекистон ва Россия парламентлараро муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Таъкидланганидек, ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб бормоқда ва яқин истиқболда товар айирбошлаш ҳажмини 30 млрд. долларга етказиш назарда тутилган. Бу борада парламентлар савдо-иқтисодий шерикликни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Хусусан, маъмурий тўсиқларни камайтириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, транспорт-логистика алоқаларини ривожлантириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароит яратиш лозимлиги ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, таълим, илм-фан, маданият, туризм, ёшлар алмашинуви ва соғлиқни сақлаш йўналишларида ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат ўртасида 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик дастури амалга оширилаётгани ҳам қайд этилди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик энг истиқболли йўналишлардан бири сифатида баҳоланди. Парламентлар ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий бошқарув бўйича тажриба алмашинувига кўмаклашиши муҳимлиги таъкидланди.

Парламентлараро мулоқот фуқаролар ва бизнес вакилларини қийнаётган масалаларни тезкор ҳал этиш, ҳудудлар ўртасидаги шерикликни кенгайтириш ҳамда эришилган келишувлар ижросини самарали назорат қилишнинг муҳим механизми сифатида эътироф этилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик бўйича комиссиянинг навбатдаги ўн иккинчи мажлисини Россияда ўтказишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**Ҳаётда юксак марраларга эришган инсонларнинг барчасида бир умумий фазилат бор — улар кўп китоб ўқишган, ҳар куни мутолаа қилишган. Китоб уларнинг бир умрлик донишманд ва садоқатли дўсти бўлган.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## КИТОБ КЕЛАЖАККА ЧОРЛАЙДИ

*Китоб шундай мўъжизаки, уни ўқиган инсон қалбида ўчмас из қолдиради, руҳиятида инқилобий ўзгаришлар ясаши мумкин. Китоб ўқимайдиган одамнинг ҳаётини тасаввур қилинг: у туну кун ётиб туради, еб-ичади. Унинг маънавияти бўм-бўш, тафаккури ҳувуллаган. Китоб ўқиётган одамнинг юз ифодасини кузатганмисиз? У бутун вужуди билан китобдаги воқеалар ичига кириб кетади. Ўй-хаёли билан ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозонишини дил-дилдан истайди.*

**Эзгу ташаббус**

Китоб — инсоният яратган буюк кашфиётлардан бири. Дарҳақиқат, инсон қалбида туғилган туйғулар қоғозда муҳрланса, уни кимдир ўқиса, ўша эзгулик бир неча карра тарқалади, яхшилик уруғи ниш уради.

Қўлимизда муқоваланган, саҳифалари пухта тикилган китобни ўқийmизу уни яратиш учун қанчадан-қанча заҳмат чекилганини ўйлаб ўтирмаймиз. Аслида эзгу ният билан битилган битик уйқусиз тунлар, зулматни ёритган кўз нурлари ҳисобига яратилади. Агар китобни ўқиш асносида бу жиҳатларни ҳам ҳисобга олсак, айни муддао бўлади.

### Ўқишда ҳам ўқиш бор

Маънавият — маъноли ҳаёт. Бир йиллар муқаддам Тошкент вилояти прокуратураси ўтказган бир тадбирда қатнашишга тўғри келди.

➔ 4

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга, маҳсулотлар умумий хавфсизлиги ва бозор назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритишга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

➔ 2

## ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ АВЛОД



*Кеча эрта тонгдан юртимиз мактабларида қалбларга қувонч ва ҳаяжон бағишлаб жаранглаган қўнғироқлар ўқувчи ўғил-қизларнинг нафақат жонажон таълим даргоҳи билан хайрлашгани, балки улкан мақсаду ниятлар ила катта ҳаёт сари қадам ташлаганидан ҳам дарак беради, десак, муболаға эмас.*

**Шукуҳ**

Шундай фараҳбахш ва унутилмас кунда Президентимизнинг мамлакатимиз мактабларини битираётган навқирон авлод вакилларига йўллаган табриги уларнинг ўзига бўлган ишончини оширди, руҳини ўстирди, янада масъулият бағишлади. Айниқса, табрикдаги "Биз бугун келажак режаларини тузаётган сиздек фарзандларимиз тимсолида Янги Ўзбекистонни дунёга тараннум этадиган бунёдкор кучни кўрамиз", деган сўзлар ўғил-қизлар қалбида кенг акс садо бергани ҳам айни ҳақиқат.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги ишлар, яратилаётган имконият ва берилаётган рағбатлар ўз мевасини бермоқда.

Мисол учун биргина ўтган йилни олайлик. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари халқаро ва минтақавий нуфузли фан олимпиадаларида 40 та олтин, 78 та кумуш, 92 та бронза медалларини қўлга киритишди. 2026 йил май ойи якунларига кўра эса билимдон ва серғайрат ўқувчиларимиз 20 та олтин, 37 та кумуш, 51 та бронза медалларига эга чиқди.

"Юксак маърифатли авлод — Учинчи Ренессанс пойдевори" шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирларда 10 мингдан ортиқ давлат умумтаълим мактабларининг 4 миллиондан ортиқ ўқувчилари иштирок этди.

➔ 3

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
Халқ сўзи
2026 йил 26 май

# АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ ҚОНДИРИЛАДИ



Сенатор сўрови

*Давлат ва жамият ҳаётига доир масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда парламентнинг иштироки, назорат механизмлари қанчалик такомиллашган бўлса, ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳам шунчалик самарали ташкил этилади.*

Бугунги кунда парламент назорати шаклларидан бўлган сенатор сўровлари институтидан самарали фойдаланилмоқда.

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Илҳом Маҳкамовга сенатор сўрови юборди.

Унда қайд этилганидек, сўнгги йилларда пойтахт ва вилоят марказларига минглаб замонавий электробус ҳамда автобуслар олиб келиниб, жамоат транспорти қатновлари сезиларли даражада оширилган. Шундай бўлса-да, ҳудудларда олиб борилган ўрганишлар, сайёр қабуллар ва фуқаролар мурожаатлари айрим ҳудудларда транспорт хизматлари билан қамров етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Сенатнинг мазкур қўмитасига Тошкент вилоятининг Тошкент тумани таркибига кирувчи Заргар, Мажнунтол, Хиёбон, Соҳибкор ҳамда Нурҳаёт маҳаллаларида яшовчи фуқаролардан автобус йўналишларини кўпайтириш юзасидан жамоавий мурожаатлар келиб тушган.

Мазкур маҳаллаларда 18 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиши, уларнинг катта қисми ҳар куни иш, таълим, тиббий хизмат ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар сабабли Тошкент шаҳрига қатнаши таъкидланган.

Бироқ ушбу ҳудудларни пойтахт билан тўғридан-тўғри боғловчи мунтазам автобус йўналиши мавжуд эмаслиги сабабли фуқаролар бир неча транспорт алмаштиришга ёки хусусий транспорт хизматларидан фойдаланишга мажбур бўлаётгани қайд этилган.

Сенатор сўровида бу ҳолат ортиқча вақт ва маблағ сарфига сабаб бўлиб, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун қатор ноқулайликларни юзага келтираётгани таъкидланган.

Шунингдек, 2025 йил 9 июль куни давлат раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида пойтахт жамоат транспортини ягона агломерация тизимига ўтказиш ҳамда Тошкент вилоятининг туташ ҳудудларини қамраб олиш бўйича топшириқлар берилгани эслатиб ўтилган.

Шундан келиб чиқиб, сенатор сўровида пойтахт жамоат транспортини ягона агломерация тизимига ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан асослантирилган маълумот тақдим этиш сўралган.

Бундан ташқари, сенатор Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳрига туташ ҳудудларидан аҳолининг қатнов эҳтиёжлари бўйича ўтказилган таҳлиллар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятнинг туташ ҳудудлари ўртасидаги қатновларни яхшилаш бўйича истиқболли режалар, шунингдек, Заргар, Мажнунтол, Хиёбон, Соҳибкор ва Нурҳаёт маҳаллаларини Тошкент шаҳри билан боғловчи янги автобус йўналишини ташкил этиш ёки мавжуд йўналишларни узайтириш имкониятлари ҳақида асослантирилган маълумотлар тақдим қилишни ҳам сўраган.

* * *

Шунингдек, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова ҳам Тошкент шаҳри ҳокимлигига Янгиҳаёт туманидаги Жалоир маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи юзасидан сенатор сўрови юборди.

Сўровда бугунги кунда пойтахт ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ишлар белгилангани қайд этилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирларга мувофиқ Янгиҳаёт тумани Жалоир маҳалласида қиймати 8,7 млрд. сўмлик, узунлиги 41,4 километр бўлган янги ичимлик суви тармоқларини қуриш назарда тутилган.

Аммо ушбу ишлар бугунги кунга қадар бажарилмагани оқибатида аҳолиси 2 мингдан ортиқ бўлган, 300 дан зиёд хонадонлардан иборат Жалоир маҳалласида ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда ҳамда бу аҳолининг асосли эътирозларига сабаб бўлаётгани қайд этилган.

Шу муносабат билан сенатор Тошкент шаҳар ҳокимлигидан бунинг сабаблари, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусида режалаштирилган чора-тадбирлар юзасидан асослантирилган маълумот тақдим этишни сўраган.

**«Халқ сўзи».**

# КУН ТАРТИБИДА – ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Туйчиев Ўзбекистон делегацияси таркибида Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида Евроосиё мамлакатлари парламентлари учун "Парламент ҳаракатлари орқали иқлим ўзгариши ва барқарор тараққиёт муаммоларини ҳал этиш" мавзуидаги халқаро семинарда иштирок этди.*

Семинар

Тадбирда Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Беларусь, Россия ва Туркия парламентлари аъзолари, халқаро экспертлар, олимлар ҳамда экологик ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Семинар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммолар юзасидан ўзаро тажриба алмашиш ва амалий мулоқотни ривожлантиришга қаратилди.

Сенатор иқлим ўзгариши шароитида экологик барқарорликни таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда парламент назоратини кучайтириш масалалари юзасидан маъруза қилди.

Тадбир доирасида иқлим ўзгариши, сув хавфсизлиги, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш, метан чиқиндиларини қисқартириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Якунда иқлим ўзгаришига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, парламентлар ўртасида мунтазам мулоқот платформаларини шакллантириш, экологик мониторинг ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича парламент назоратини кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

# ЗУККО ЎҚУВЧИЛАР ТАШАББУСЛАРИ

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Тошкент шаҳридаги Президент мактабида ўқувчилар учун яратилган замонавий шароитлар, таълим сифати ҳамда ёшларнинг билим ва салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган имкониятлар билан яқиндан танишди.*

Мулоқот

Бу ерда ўқувчилар "STEAM" йўналиши асосида таҳсил олади. Дарс машғулотлари халқаро тоифадаги педагоглар томонидан олиб борилади. Ҳар бир синфда 12 нафардан ўқувчи таълим олиши эса дарсларнинг самарадорлигини ошириш ва ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш имконини бермоқда.

Сенатор мактабдаги таълим жараёни билан бир қаторда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ижодий ва спортга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган шароитларни ҳам кўздан кечирди. Жумладан, мактабда сузиш, футбол, теннис каби спорт турлари, ҳунармандчилик ва мусиқа тўгараклари фаолият юритмоқда.

Мактаб синфхоналари ҳар бир фан йўналишига мос замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар учун қўшимча машғулотларни очиқ ҳавода ўтказиш имконияти ҳам яратилган. Бундан ташқари, ўқувчилар ташаббуси билан радио фаолияти, "PROJECTOR" журнали ташкил этилган ҳамда яқинда мактаб ҳаётига бағишланган янги подкаст иш бошлаган.

Ташриф давомида ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун яратилган қулай шароитлар ва инклюзив таълим имкониятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг "Сенатор ва ёшлар" очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқот давомида ўқувчиларга парламентнинг юқори палатаси фаолияти, сенаторларнинг қонун ижодкорлиги ва ҳудудлар билан ишлаш жараёнлари ҳамда Ёшлар парламентининг вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўқувчилар томонидан психологик ва касбга йўналтирилган семинар-тренингларни кўпайтириш, ёшлар ўртасида экологик маданиятни ошириш, ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор таклиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

1

## Уюшган жиноятчилик ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мажлисда дастлаб уюшган жиноятчилик ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва маҳаллаларда жиноятчиликни барвақт олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Таҳлиллар жиноят содир этиш мақсадида жиноий уюшмаларни ташкил қилиш ва молиялаштириш ҳолатлари жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда бундай уюшмаларни молиялаштирганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмагани ушбу соҳадаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирганлик учун алоҳида жавобгарлик киритиш, бундай шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлламаслик назарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшма ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш учун жавобгарлик мавжуд бўлса-да, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Қонун лойиҳаси билан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда.

Амалда уюшган гуруҳлар томонидан содир қилинган безорилик учун кўп ҳолларда енгил жазо тайинланмоқда. Бу эса жазосизлик муҳити шаклланишига олиб келаётгани таъкидланди. Шу сабабли қонун лойиҳасида безорилик жинояти учун жазо чоралари ҳам оғирлаштирилмоқда.

Лойиҳада жанговар спорт турлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, унда бевосита иштирок этганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга ҳамда жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган. Айниқса, жиноий уюшмаларни молиялаштириш, уларга мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда ҳомийлик қилиш каби ҳолатлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланаётгани муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат жиноятчиликка қарши курашишда таъсирчан ҳуқуқий механизмларни яратиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.*

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлигига оид тартиб-таомиллар мустаҳкамланади

Депутатлар "Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун умумий хавфсизлик қоидалари белгиланмоқда. Бозорда сотилаётган ҳар бир маҳсулот хавфсиз, ишончли, инсон саломатлигига зарарсиз бўлиши шартлиги назарда тутиляпти.

Жумладан, янги товарлар, ишлатилган ёки таъмирланган маҳсулотлар, интернет орқали сотилаётган товарларни ҳам етказиб берувчилари уларнинг хавфсизлигини кафолатлаган ҳолда сотувга чиқариши лозимлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Бу эса сифатсиз маҳсулотларнинг сотилишига барҳам беради.

Қонун лойиҳасига кўра, маҳсулотни етказиб бериш занжирида иштирок этувчи барча тадбиркорлик субъектлари, яъни ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, сотувчи, электрон тижорат операторлари ўз фаолияти доирасида маҳсулот хавфсизлиги учун жавобгар бўлиши белгилаб қўйилмоқда. Қоидалар бузилса маҳсулот сотувдан чиқарилади, жарима қўлланилади. Бу эса бозорда адолатли рақобатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

**Равшан МАМУТОВ, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:**



*— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда ундаги нормаларни, аввало, истеъмолчи манфаатларини кўзлаб маромига етказиш, интернет орқали амалга ошириладиган савдога ҳам аниқ талаблар қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар таклифларидан келиб чиқиб, лойиҳадаги нормалар такомиллаштирилди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши сифатсиз маҳсулотларнинг камайишига, хавфли товарларнинг бозорга чиқишининг олдини олишга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, харидорларда ишончнинг ортишига хизмат қилади.*

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Бозор назоратини амалга оширишнинг янгича ҳуқуқий механизмлари

Мажлисда "Бозор назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат маҳсулот хавфсизлигини таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари ва техник регламентлар билан белгиланган талабларга номувофиқ ҳамда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган, импорт қилган ёки тарқатган шахсларга нисбатан аниқ таъсир чораларини белгилаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоялашга қаратилган.

Қонун лойиҳасида бозор назорати иштирокчилари, жумладан, бозор назорати органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг бозор назорати фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан муомалага киритилган маҳсулотларга нисбатан ўтказиладиган бозор назорати жараёнидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Лойиҳада бозор назорати соҳасида жамоат манфаатларига етказилиши



мумкин бўлган хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва ушбу соҳада қонун бузилиши ҳолатлари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган чоралар, ҳуқуқий механизмлар белгиланмоқда.

Муҳокамада депутатлар бозор иштирокчиларига нисбатан таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципига амал қилиш ҳамда молиявий жарималар тарзидаги санкцияларни қўллашда қонунчиликда белгиланган рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирди.

Шу билан бирга, бозор назорати органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, хавф туғдирувчи ва номувофиқ деб топилган маҳсулотларни ички бозорда муомалага киритилишининг олдини олишга қаратилган бозор назорати ахборот алмашинувида давлат органларининг тезкор ахборот алмашув тизимини жорий этишга қаратилган ҳуқуқий нормалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мунозараларда ҳунармандчилик маҳсулотларини бозор назорати доирасига киритиш масаласи қизғин баҳсларга сабаб бўлди. "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасининг дастлабки таҳририда ҳунармандчилик маҳсулотлари ушбу қонун лойиҳасининг назорат доирасида бўлмаганини, бироқ иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрирда назорат доирасига киритилгани бўйича ўз эътирозларини билдириб, ушбу норма ҳунармандчилик соҳаси ривожига салбий таъсир қилишини қайд этди.

Бу бўйича қонун лойиҳасига масъул қўмита вакиллари амалиётда айрим ҳолатларда ҳунармандчилик маҳсулотлари инсон саломатлигига хавф туғдириши ҳолатлари ҳам учраётганлигидан келиб чиқиб, ушбу ўзгартириш киритилганини маълум қилди.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бозор назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳаёти ва соғлиғи, жамоат манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши таъминланади

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорларининг самарали ижросини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка биноан биринчи инстанция судининг қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини юқори инстанция суди тўхтатиб туриш ваколатига эга. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 271 ва 294, 323-моддалари талабларига кўра апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди қуйи инстанция суди қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини тегишли илтимосснома асосида мазкур инстанцияда иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туриши мумкин.

Бироқ ушбу кодексда суд қарори ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосномани рад этиш учун аниқ асослар белгиланмагани сабабли бундай илтимоснома тақдим этилганда, юқори инстанция суди аксарият ҳолларда қуйи инстанция суди қарорининг ижросини тўхтатишига тўғри келмоқда.

Мазкур ҳолат суд ҳужжатининг мажбурий кучига ишониб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг суд қарори асосида олишлари лозим бўлган пул маблағларининг ундирилиши жараёнларининг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал кодексининг 271, 294 ва 323-моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилаётир. Унга кўра, юқори инстанция судларида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш фақатгина аризачи томонидан бундай чора кўрилмаса, суд ҳужжатининг қайтарма ижроси қийинлашиши ёки имконсиз бўлиб қолиши асослаб берилган ҳолларда қўлланилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, бир қатор саволлар кўтарилди.

**Сайдулло АЗИМОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



*— Қонун лойиҳасида кассация инстанцияси судининг биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туришга оид нормасини ўзгартириш таклиф этилмоқда. Яъни мазкур норма диспозитив тусга ўтказилиб, суд ижрони тўхтатиб туришга "ҳақли" эканлиги белгиланмоқда. Шу билан бирга, илтимоснома берувчи шахс ижрони тўхтатмаслик қайтарма ижрони қийинлаштириши ёки умуман имконсиз қилиб қўйишини асослаб бериши лозимлиги назарда тутилмоқда. Бу эса айрим саволларни келтириб чиқаради.*

*Биринчидан, амалдаги механизм тарафлар ўртасидаги процессуал мувозанатни таъминлаб келаётган эди. Чунки кассация инстанциясида иш қайта кўриб чиқилиб, биринчи инстанция суди қарори бекор қилиниши эҳтимоли ҳар доим мавжуд. Энди эса суд ижрони тўхтатмаслиги мумкин бўлган шароитда, биринчи инстанция қарори ижро этилиб, маблағлар ёки мол-мулк бир тарафга ўтказиб бўлинганидан кейин кассация инстанцияси ушбу қарорни бекор қилиши мумкин.*

*Бундай вазиятда, айниқса, маблағлар сарфлаб юборилган, активлар бошқа шахсларга ўтказилган ёки қайтариш амалда мураккаб бўлган ҳолатларда, кассация шикояти берган тарафнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари жиддий бузилиши хавфи юзага келмайдими?*

*Иккинчидан, қонун лойиҳасида "қайтарма ижрони қийинлаштириши ёки имконсиз қилиб қўйиши мумкинлиги"ни баҳолашнинг аниқ ҳуқуқий мезонлари белгиланмаган. Хўш, судлар мазкур ҳолатни баҳолашда қандай аниқ мезон ва стандартларга таянади?*

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтишди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги янада ошади

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат бошқарувида очиқлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Давлат харидлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги қонунларга бир қатор муҳим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички сиёсатни амалга оширади ҳамда унинг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради, давлат органи ва ташкилоти тизимида қонунга риоя этиш, унга нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратиш ва бу борада аҳолининг ижобий фикрини шакллантириш чораларини кўради.

Зарурат туғилганда, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ваколатини амалга ошириш доирасида тегишли ҳужжат ҳамда материаллар билан танишиш мақсадида давлат органи, ташкилотининг объектларига тўсқинликсиз кириш, давлат органи ва ташкилоти тизимида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва уларнинг бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиши кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига ҳар бир давлат органи ва ташкилотлари, ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш вазифаси юклатилмоқда. Шунингдек, давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиши, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уни бартараф қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш чораларини кўриши таклиф этилмоқда.

Лойиҳага кўра, Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда тайинланиши белгиланмоқда. Давлат харидларида нарх тафовутининг белгиланган чегарасини бузган мансабдор шахсларга маъмурий жарима қўллаш тартиби назарда тутиляпти. Давлат харидларида товар ва хизматлар нархининг ўртача бозор нархидан асоссиз оширилишига қарши таъсирчан ҳуқуқий механизмлар жорий этилаётир.

**Даврон АРИПОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:**



*— Қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари мустаҳкамланмоқда. Ушбу ҳужжат коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.*

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

**25 майдан бошлаб 2026/2027 ўқув йили учун Президент мактабларига ҳужжатлар қабули бошланди. Қабул 14 июнга қадар my.gov.uz ҳамда ariza.piima.uz сайтлари орқали амалга оширилади.**

Муносабат

# Меҳр-мурувват ва бағрикенглик ифодаси

*Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу тамойиллар, айниқса, халқимизга хос эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқин намоён бўлади.*

Мазкур байрам қадимдан юртимизда ўзгача, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Рамазон ва Қурбон ҳайитининг кенг миқёсда нишонланиши ва дам олиш куни деб эълон қилиниши ҳамда ҳар йили минглаб юртдошларимизнинг муборак Ҳаж ва Умра зиёратларига бориб келиб турганликлари муқаддас динимизга бўлган чуқур ҳурмат ва эътибор натижасидир.

Бугунги кунда юртимизда 16 хил дин ва конфессияга мансуб 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Олиб борилаётган оқилона миллий сиёсат туфайли турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар шаклланган. Энг асосийси, тенглик ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Муқаддас байрамларимиз ана шу турли миллат ва элат вакиллари орасида ҳам шоду хуррамлик билан нишонланади.

Бу йилги Қурбон ҳайитини юртимизда ўзгача файз ва шукуҳ билан нишонлаш бўйича Президентимиз қарори қабул қилинди ва у асосида бир қанча хайру саховат, мурувват тадбирларини амалга ошириш ҳам режалаштирилди.

Жумладан, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари, шунингдек, камида 350 нафар беморларда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган. Албатта, ушбу амалларнинг ўзи катта гап. Чунки танасини чирмаб олган дард билан курашаётган, уни енгишга бирда маблағ топиб бирда қўли калталик қилаётган ва дардига қаердан дармон



излашни билмай юрган инсонлар учун бу жуда катта кўмакдир.

Қарорда келтирилишича бундан ташқари ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 8 минг нафардан зиёд етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналар фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари ўтказиб берилади.

Юртимизда ҳар йили муқаддас байрамларимиз арафасида амалга ошириладиган бундай тадбирлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, аҳил-иноқликнинг белгиси. Дарҳақиқат, тинчлик, осойишталик ва ҳаловатдан азизроқ неъмат йўқ бу дунёда. Нотинч юртда тўйю томоша, хурсандчилик, ўйин-кулги байрамлар татимайди. У ҳаловатни олиб кетади, инсонлар орасидан меҳр-оқибатни аритади, улуғ, эзгу мақсадлар, хайрли режалар, истиқболли ғоя ва бунёдкорлик ишларини бутунлай хаёлдан фаромуш қилади, юртдан хайр-баракани кетказади.

Айтиш мумкинки, турли миллат ва элат вакилларидан иборат юртдошларимизнинг барчаси муборак айём нафаси барқ уриб турган мана шу кунларда буни қалбан, дилдан ҳис қилиши, ҳушёрлик ва огоҳликни қўлдан бермай, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасига шукрона келтириши зарур. Ана шундагина байрамларимиз байрамларимизга улашади, шодиёналаримиз ўзимизга татийди.

**Аксавли ТУМИШОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**

# МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ФАЛСАФАСИ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш, миллий ўзликни англаш ҳамда тарихий хотирани тиклаш ғояси билан уйғун тарзда кечмоқда.*

Акс садо

Шу маънода, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Миллат шавкати" мақоласини ўқир экансиз, унда Самарқанд орқали бутун Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси, халқимиз тафаккурида кечаётган улкан ўзгаришлар ҳақида сўз бораётганини англайсиз. Муаллиф Самарқанд тимсолида миллатнинг ички қудрати, давлатчилик тафаккури, бунёдкорлик анъаналари ҳамда маънавий юксалишини жуда таъсирчан тарзда, аниқ мисоллар билан очиб берган.

Самарқанд азалдан миллатнинг орномуси, маънавий қудрати ва илм-маърифатга интилишини намоён этувчи муқаддас макон, буюк тарих ҳамда цивилизация маркази бўлиб келган. Президентимиз раҳбарлигида бу шаҳар янада юксак қиёфа касб этди. Бугун Самарқанд нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг сиёсий, маданий ва дипломатик марказларидан бири сифатида дунё эътирофида турибди.

Вилоятда юз берган туб ўзгаришлар замирида эса, аввало, инсон дардини ҳис этадиган, халқ билан яшайдиган бошқарув фалсафаси мужассам, десак, айни ҳақиқат. "Миллат шавкати" мақоласида ҳам айнан шу жиҳатларга алоҳида урғу берилган. Раҳбарнинг халқ ичида юриши, одамлар муаммосини кабинетда эмас, жойига чиқиб ўрганиши ва уларга амалий ечим топиши мамлакатимиз тараққиётининг муҳим тамойилига айланди.

## Катта ибрат мактаби

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ўша даврларда Самарқандга раҳбарлик қилган йилларидаёқ маҳаллаларга, қишлоқларга чиқиб, одамлар билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларни жойида ҳал этиш амалиётини йўлга қўйган эди. Бу оддий бошқарув услуби эмас, аксинча, халқпарвар давлатчилик мактаби ҳам эди.

Эътиборлиси, Президент лавозимига киришганидан сўнг бу тамойил ўзгармади, аксинча, янада кучайди. Давлатимиз раҳбари бугун ҳам тинмасдан ҳудудларга ташриф буюриб, у ердаги аҳволни шахсан ўрганиб келмоқда. Бу эса бутун раҳбарлар корпуси учун катта ибрат мактаби бўлди. Ҳозирги кунда вазирлар, ҳокимлар, соҳа раҳбарлари ҳам жойларга чиқиб ишлаш, муаммоларни аҳоли билан юзма-юз мулоқот орқали ҳал этишга ҳаракат қилишяпти.

Бугун олий таълим тизими, илм-фан соҳасида ҳам ана шу очиқ мулоқот ва



жойларга чиқиб ишлаш тамойили тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Университетлар, техникумлар, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда инновацион марказларда бўлиб, талабалар, профессор-ўқитувчилар ва ёш олимлар билан бевосита мулоқот қилиш соҳадаги ҳақиқий эҳтиёж ва муаммоларни чуқурроқ англаш имконини беради.

Чунки таълим тизимини кабинетда ўтириб ривожлантириб бўлмайди. Жойлардаги муҳитни ҳис қилиш, устозлар ва ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш, уларнинг ташаббус ва таклифларига таяниш орқали кўплаб масалаларга самарали ечим топилмоқда. Айниқса, таълим, илм-фан ва инновация соҳасида амалий натижага эришиш учун одамлар билан доимий мулоқот қилиш муҳим аҳамиятга эга.

## Ватан равнақига дахлдорлик

Мақолада яна бир долзарб фикр илгари сурилганки, бу илгари муайян ҳудуд вакиллари фақат шу ҳудуд доирасида фаолият юритиши ҳақидаги қарашлар жамият онгида маълум даражада мавжуд эди. Бугун Янги Ўзбекистонда бугунги давлат сиёсати мутлақо бошқача мазмун касб этмоқда. Инсоннинг қаердан экани эмас, унинг билими, салоҳияти, Ватанга садоқати муҳим мезонга айланмоқда.

Қорақалпоғистон заминида туғилиб ўсган инсон сифатида айтишим мумкинки, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида кечаётган ўзгаришлар, халқимизнинг ютуқ ва қувончлари қалбимга жуда яқин. Бугун Янги Ўзбекистонда ҳудудий қарашлардан кўра, мамлакат манфаати ҳамда халқ фаровонлиги устувор аҳамият касб этмоқда. Самарқанддаги бунёдкорлик ҳам, Фарғонадаги тараққиёт ҳам, Сурхондарё ёки Қашқадарёдаги янгиланишлар ҳам — барчаси ягона Ватанимиз ютуғи сифатида қабул қилиняпти.

Энг муҳими, бугун раҳбар кадрларга муносабат ҳам ўзгарган. Уларнинг салоҳияти, билим ва фидойилиги эса муҳим мезон сифатида қаралаётир. Бу эса мамлакатимизда умуммиллий тафаккур, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳамда бирдамлик руҳи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан яққол далолат беради.

Шу маънода, Самарқандда кечаётган юксалишларни кўриб, бевосита Қорақалпоғистондаги ўзгаришларни ҳам ёдга оламан. Айниқса, Мўйноқда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари Янги Ўзбекистон сиёсатининг амалий натижасидир. Бир пайтлар экологик ҳалокат рамзи сифатида қаралган ҳудудда бугун янги ҳаёт бошланди. Замонавий уй-жойлар, таълим муассасалари, маданий объектлар, туризм инфратузилмаси, экологик лойиҳалар барпо этилаётир.




Мўйноқ бугун нафақат экологик фожиа ҳақида гапириладиган ҳудуд, балки инсон матонати, сабри ва қайта тикланиш рамзига айланмоқда. Бу ерда яратилаётган шароитлар одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаяпти. Ёшлар таълим олиши, касб эгаллаши, замонавий технологияларни ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилгани ўз самараларини бермоқда.

Дарвоқе, мамлакатимиз тараққиётининг муҳим жиҳатларидан яна бири — муаммоларга илмий ечим бериш тизими шаклланаётгани билан боғлиқ. Илгари кўп масалалар вақтинчалик ёки маъмурий усулда ҳал этилган бўлса, ҳозир илм-фан, инновация ва таҳлилга таянган ёндашув устувор аҳамият касб этяпти. Экология, сув танқислиги, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим сифати каби долзарб масалалар бўйича илмий тадқиқотлар ҳамда амалий инновациялар давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланди.

Айниқса, замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим белгисидир. Рақамлаштириш, сунъий интеллект, инновацион платформалар, электрон бошқарув тизимлари бугун ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келмоқда. Олий таълим тизимида ҳам рақамли университетлар, онлайн таълим, замонавий лабораториялар ва инновацион марказлар ташкил этилаётгани келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевордир.

## Миллат келажагини белгилайдиган стратегик соҳа

Давлатимиз раҳбари таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам мақоладаги маънавий руҳ билан уйғун. Бугун мамлакатимизда устоз қадри юксалмоқда. Ўқитувчи ва профессорлар меҳнатига ҳурмат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги университетлар очилмоқда, хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорлик кенгаймоқда, ёшларнинг илм олиши учун улкан имкониятлар яратиляпти.

Таълимни фақат иқтисодий тараққиёт эмас, миллат келажагини белгилайдиган стратегик соҳалардан бири сифатида кўрилаётгани ҳар бир ислоҳотда намоён бўлаётир. Чунки илмли, мустақил фикрлайдиган, маънавий етук авлод — мамлакатнинг энг катта бойлиги.

Янги Ўзбекистонда кечаётган маънавий уйғонишнинг энг муҳим жиҳати шундаки, одамлар мамлакат ютуқларидан, миллат ҳамда Ватан зафарларидан самимий қувонаётир. Илгари бефарқлик кайфияти кучли бўлган бўлса, бугун халқимиз мамлакат обрўси, халқаро майдондаги нуфузи, ёшлар ютуқлари, илм-фан ҳамда спортдаги ғалабаларни ўзининг шахсий ютуғидек қабул қилаётир. Бу Ватанга дахлдорлик ҳисси тобора юксалиб бораётганидан далолат, бу — миллат руҳияти ўзгараётганининг белгиси. Инсон ўз Ватани билан фахрланса, унинг келажагига ишонса, жамиятда улкан куч пайдо бўлади. "Миллат шавкати" мақоласининг энг катта қиммати ҳам ана шунда — у одамларда миллий ғурур, дахлдорлик ҳамда маънавий масъулият туйғусини уйғотади.

Юракларни силкитадиган ушбу чуқур таҳлилга эга мақола фақат Самарқанд ҳақидаги эссе эмас. Бу — Янги Ўзбекистоннинг маънавий портрети, халқ билан яшайдиган давлатчилик фалсафаси, инсон қадрини улуғлаш ғояси ҳамда миллатнинг ички қудрати ҳақидаги теран мушоҳададир.

Шу маънода, Қ. Рафиқовнинг мақоласи олий таълим ва илм-фан соҳаси ходимлари учун нафақат таҳлилий чиқиш, балки "йўл харитаси" сифатида фойдаланиш фойдадан холи эмас, албатта. Мақолани ҳар бир олий таълим муассасаси ректоридан тортиб, профессор ва талабаларгача чуқур мушоҳада билан ўқиши керак. Чунки унда миллатнинг кечаги кунидаги аччиқ сабоқлар ва бугунги кундаги буюк мақсадлар — "Учинчи Ренессанс"га бўлган иштиёқ кўзга яққол ташланади. Биз, олий таълим тизимидагилар, ушбу мақолада илгари сурилган ғояларни амалга оширишда, билимли, маърифатли ва Ватан равнақи, шавкати учун жон куйдирадиган янги авлодни тарбиялашда камарбаста бўламиз.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири.**

Инсонпарварлик

# ҲАЙИТ АРАФАСИДА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

*Инсонпарварлик, бағрикенглик ва қўллаб-қувватлаш халқимизга хос фазилатлардан ҳисобланади. Ўзаро дўстлик рамзи сифатида муборак Қурбон ҳайити муносабати билан ҳамда Афғонистоннинг сел-сув тошқинларидан жабр кўрган аҳолисига кўмак бериш мақсадида 200 тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами юклари Балх вилоятига етказиб берилди.*




Беғараз инсонпарварлик юклари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматилла Иргашев, Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, Балх вилояти губернаторининг ўринбосари Нурулҳоди Абуидрис ва икки томон расмийлари иштирокида қўшни мамлакатнинг Ҳайратон шаҳридаги "Астрас" компанияси ҳудудида топширилди.

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик ёрдами таркибидан кундалик эҳтиёж учун зарур ун, гуруч, шакар, макарон, қандолат маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, нўхат, тез тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олган.

Афғонистон расмийлари Ўзбекистон Президенти ва халқига кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдириб, байрам муносабати билан самимий табрикларини йўллашди.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭКСПОРТБОП ГИЛОС

*Қува туманининг 70 гектар адирликларида барпо этилган "Жаннат боғи" боғдорчилик фермер хўжалигида Озарбайжондан келтирилган гилос нави мўл ҳосил бермоқда. Эътиборли жиҳати, боғда тўлиқ сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, мева органик усулда — кимёвий воситаларсиз етиштирилмоқда. Шу боис териб олинаётган гилос тўлиқ экспортга йўналтирилган.*

Тўкинлик

— Мазкур навнинг илмий тилда ўз номи бор, — дейди боғбон Одилжон Мирзақосимов. — Аммо биз уни "Озарбайжон гўзали" деб атадик. Боғимиз ҳам икки қардош халқ дўстлиги каби йил сайин гуркураб ривожланмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Раимжон Юсуповнинг таъкидлашича, илғор агротехнологиялар ва илмий ёндашув харажатларни қисқартириб, даромадни оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мутахассислар таҳлилларига кўра, ушбу гилос навининг ҳар бир тупидан 50 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Жорий мавсумда эса унинг бир килоси улгуржи бозорда 60 мингдан 100 минг сўмгача сотилди.

Айни пайтда Қува туманида 6,5 минг гектар мевазорлар мавжуд бўлиб, шундан 1,2 минг гектари интенсив боғлардан иборат. Йил бошидан буён тумандаги



38 та экспортчи корхона томонидан 11 давлатга қарийб 8 миллион долларлик гилос ва ўрик экспорт қилинди.

— Бу йил Жанубий Кореяга гилос экспорти ҳажми янада ошди. Шу билан бирга, АҚШ ва Япония бозорлари ҳам ўзлаштирилмоқда, — дейди Қува тумани Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими мутахассиси Паҳлавон Қодиров. — Ҳозирда карантин инспекторлари фермерлар ҳамда экспортчилар билан ҳамкорликда мевани саралаш, қадоқлаш ва экспортга тайёрлаш жараёнларини халқаро талаблар асосида ташкил этмоқда.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ АВЛОД

1

Жорий ўқув йили якунида мактабларнинг 11-синфини 472 минг, 9-синфини эса 621 мингдан ошиқ ўқувчилар тугатди. Уларнинг орасида илк бор 11 минг нафардан зиёд ўғил-қизлар мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлади. Битирувчиларни ҳаётнинг янги ва ҳал қилувчи босқичи — касб ва университет танлаш палласида ҳозирги кунда 207 та олий ўқув юрти ва 643 та техникум ўз сафига чорламоқда.

Тадбиркорликни хоҳловчи ёшларимиз учун банклар 25 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратишни режалаштирган. Стартап лойиҳаларини бошлаган битирувчилар учун 100 миллион долларлик маблағ ҳам йўналтирилган. Йирик IT компаниялар эса ҳар йили камида 50 минг нафар ёшни сунъий интеллект бўйича ўқитиб, юқори даромадли иш билан таъминлашга тайёр.

* * *

Қайд этиш лозим, юртимиздаги барча умумий ўрта таълим муассасаларида ташкиллаштирилган "Сўнгги қўнғироқ" тадбирлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 126-мактабда ҳам ушбу санага алоҳида тайёргарлик кўрилди. Таълим муассасаси байрамона безатилиб, битирувчи ёшларга унутилмас ва гўзал лаҳзаларни бағишлаш учун барча имкониятлар ишга солинди.

Педагоглар, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлган тадбир аввалида давлатимиз мадҳияси янграб, битирувчиларга давлатимиз етакчисининг мамлакатимиз умумтаълим мактаблари битирувчиларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Шундан сўнг масъуллар иштирокида битирувчи ўқувчиларга тантанали тарзда олтин ва кумуш медаллар топширилди ҳамда уларнинг келгуси фаолиятига омадлар тиланди. Шунингдек, йил давомида намунали хулқи ва аъло баҳоларга ўқиган битирувчилар муносиб рағбатлантирилиб, фарзанд тарбиясида жонбозлик кўрсатган ота-оналарга "Энг фаол ота", "Жонкуяр она", "Масъулиятли ота-она" номинациялари бўйича "Миннатдорлик хат"лари топширилди.

— Жорий ўқув йилида мактабимизда 1918 нафар ўқувчи таҳсил олди, — дейди мактаб директори Муяссар Баҳромова. — Бу йил 11-синфни 134 нафар, 9-синфни эса 163 нафар ўқувчи битирмоқда. Қувонарлиси, уларнинг орасида аллақачон хориж ва юртимиз олий ўқув юртларига кирган ўғил-қизлар ҳам бор. Биласизми, одам қачон ўз ишидан мамнун бўлади? Албатта, қилган меҳнатлари зое кетмаганини билганида. Ҳамкасбларим билан бугун жуда бахтиёрмиз, чунки вояга етказган ва таълим-тарбия берган ёшларимиз катта орзулар ила учирма қушдек бағримиздан кетмоқда. Ишонамизки, уларнинг барчаси юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб камол топади.

Битирувчилар томонидан намойиш этилган бадиий дастур, ўқувчиларнинг она юрт, мактаб, устозлар ва ёшлик ҳақида ўқиган шеърлари даврага ўзгача руҳ бағишлади.

* * *

Гулистон тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернатини битираётган ўқувчиларнинг ютуқларини эътироф этмай иложи йўқ. Буни қарангки, жорий йил мактабнинг 35 нафар битирувчиси ҳам миллий ва халқаро сертификатлар орқали юқори балл олиб, муддатидан олдин талабаликка эришди. Бунинг ҳаяжонлари ва завқу шавқини ана шундай ўқувчилардан бири бўлган Севинч Қулбоева сўзлаб берди:



Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

— Биз ёшларнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб вояга етишимиз учун юртимизда барча имкониятлар, шароитлар яратилган. Ўзим ўқиган Гулистон тумани ихтисослаштирилган мактаб-интернати бунга ёрқин мисол. Айни шу мактабдаги замонавий таълим тизими ва шароитлари туфайли Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бериладиган сертификатларга тўлиқ эга бўлиб, энг юқори — 189 балл тўплаб муддатидан олдин олий таълим муассасасига қабул қилиндим. Умуман мактабимизнинг барча битирувчилари муддатидан олдин талабаликни нақд қилишди. Президентимиз, устозларимиз биз, битирувчи ёшларга билдирган юксак ишончни оқлашга, келажакда ўзим танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Аминмизки, мактаб билан хайрлашаётган барча ёшларимиз Янги Ўзбекистоннинг билимли, ташаббускор ва фидойи авлоди сифатида юрт равнақи учун хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Бугунги битирувчи — эртанги муҳандис, шифокор, олим, шоир ва адиб, тадбиркор дегани. Бугунги битирувчи — Учинчи Ренессанс бунёдкори дегани. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг энг катта ишончи ва таянчисиз!"

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

YUNUS RAJABIY NOMIDAGI O'ZBEK MILLIY MUSIQA SAN'ATI INSTITUTI
Quyidagi kafedralar bo'yicha lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

**1.** O'zbek maqom tarixi va nazariyasi kafedrasi — professor (1 ta);

**2.** Maqom cholg'u ijrochiligi kafedrasi — professor (1 ta);

**3.** Doston ijrochiligi kafedrasi — kafedra mudiri (1 ta), dotsent (1 ta);

**4.** Kompozitorlik, bastakorlik va umumiy fortepiano kafedrasi — katta o'qituvchi (2 ta);

**5.** Vokal cholg'u pedagoglari tayyorlash kafedrasi — dotsent (1 ta), katta o'qituvchi (1 ta).

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim qilishlari lozim:
1. Rektor nomiga ariza;
2. Xodimning ma'lumotnomasi (obyektivka);
3. Pasport yoki ID karta nusxasi;
4. Oliy ma'lumot, ilmiy daraja, ilmiy unvon haqidagi diplom va attestatlarining nusxasi;
5. O'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro'yxati;
6. Mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Yunus Rajabiy nomidagi O'zbek milliy musiqa san'ati institutining Xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

**Manzil:** Toshkent shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 31-uy, Yunus Rajabiy nomidagi O'zbek milliy musiqa san'ati instituti.

**Murojaat uchun telefonlar:**
71-237-35-75, 90-248-41-06.

РЕКЛАМА

**Президентимиз қарорига кўра, муборак Қурбон ҳайити муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти ўтказилади.**




# КИТОБ КЕЛАЖАККА ЧОРЛАЙДИ

1

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги зали гавжум. Прокуратура вакиллари озгина маърузадан кейин залдагиларга жами 3 миллион сўмлик китоб улашиб чиқишди. Кўпчилик ҳайрон. Бу ердаги анжуманда жиноятчиликка қарши кураш ҳақида сўз кетса керак деб ўйлашибди. Қўлларига китоб тутган инсонлар бундай эътибордан мамнун бўлиб, юз-кўзларида миннатдорлик ҳислари акс этди, йиғилиш тугади. Ҳамма ёқимли кайфиятда тарқалди. Энди улар уйларига боргандаги манзарани тасаввур қилинг. Ота уйига китоб олиб келади. Уй бекаси ҳайрон, хўжайини асабийлашмаган, хурсанд кириб келди. Болалар дадаси олиб келган китобни ажабланиб қўлга олади. “Раҳмат, дадажониси, бугун биринчи марта сиздан китоб олишимиз” — бу миннатдорлик сўзлари отани янада хурсанд қилди. Оиладаги яхши кайфиятга битта нарса сабаб — у китоб! Шу китоб туфайли хонадонга маънавият кириб келяпти. Маънавият бор жойда ҳаёт мазмуни, маъноси бор.

“Ўткир зеҳнлилар мушоираси”да билим ва малакани намоён этиш учун теша тегмаган, кутилмаган саволлар берилади. Бу саволларга қойилмақом қилиб жавоб берувчи ёшлар учраб туради. Агар ундай билимдонлардан “Аниқ жавобни қаёқдан биласиз?” деб сўрасангиз, албатта китобларни ўқиш орқали хабардор бўлганини айтишади.

Китоб ўқишда ҳам ўқиш бор, жавонда терилиб турган китобларни кетма-кет шариллатиб ўқиш ҳам мумкин. Лекин жанри, йўналиши бўйича турфа хил китоб бор. Шундай китоблар мавжудки, уларни бафуржа, шошмасдан, ҳар бир жумла ёки хатбошининг мағзини чақиб, мушоҳада қилиб ўқиш керак. “Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга” деган ҳикмат шу ўринда тўғри келади.

Шу ўринда Николай Чернишевскийнинг ушбу айтимини эсланг: “Барча яхши китобларнинг, айниқса, битта ўхшашлиги борки, улар сўзсиз китобхонларда кишилар учун нима адолатли, гўзал ва фойдали эканлиги ҳақида бош қотириш истагини уйғотади”.

Экспертларнинг айтишича, дунё бўйича энг кўп тиражда китоби тарқаган ёзувчилар ичида Уильям Шекспир 1-ўринда, Лев Толстой 2-ўринда, Чингиз Айтматов 3-ўринда туришар экан. Бу шоҳсупада ўринлар алмашиши мумкинми? Мумкин дейишяпти. Шекспир китоби 200 йил мобайнида, Толстой 100 йил мобайнида, Айтматов 50 йил мобайнида чоп этилмоқда. Биргина 2018 йилда Чингиз Айтматовнинг 90 йиллиги муносабати билан жуда кўп нусхада китоблари нашр этилди. Яна 50 йил ичида бу адиб асарлари геометрик суръатда кўпайиши турган гап. Чингиз Айтматов ҳақида таърифни эшитганмисиз? “Туркий тилли истеъдодлар ичида Алишер Навоийдан кейин турувчи адиб Чингиз Айтматовдир”.

Дунё миқёсида энг кўп нусхада тарқаган китоблардан бири Ж. Роулингнинг Гарри Поттер қаҳрамони бўлган туркум асарлари эканини яхши биласиз. Албатта, бу ёруғ оламда инглиз тилида ўқувчилар кўп бўлиши мумкин. Лекин Ўзбекистонда Гарри Поттердан кўра оммабоп, тез тарқайдиган китоблар борлигини баъзан ўйлаб ўтирмаймиз. Аслида Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” китобларидаги Ҳошимжон ҳар қандай Гарри Поттерни бир чўқишда қочириши мумкин.

Тошкентнинг Мустақиллик шоҳкўчасидаги “Китоблар олами” мажмуасида бўлганмисиз? Кейинги уч-тўрт йилдан буён бу даргоҳ пойтахтимизнинг ўзига хос брендига айланди. “Китоблар олами” юртимизга келган туристларнинг сайёҳлик йўналишига киритилган. Дарҳақиқат, ушбу манзилга келган меҳмон Тошкент ҳақида, Ўзбекистон ҳақида таассурот олади. Ахир китоблар — миллат кўзгуси. Уларда зиёли муаллифларнинг ўй-андишаси, тафаккури мужассам. Бизнинг хориждан келган сайёҳларга ғурур билан кўрсатадиган жойларимиздан бири “Китоблар олами” каби замонавий муассасаларимиздир. Бу ерда фақат китоб сотилмайди. Ушбу масканда ўша китобнинг муаллифлари билан учрашувлар ўтказилади. Бундай тадбирни журналистлардан бири “Китобнинг жонли ижроси” деб атади. Шундай анжуманлардан бирида беш яшар болакай Навоийнинг машҳур ғазалини ёддан ўқиганди, шу болага китоб совға қилишганида ҳамма хурсанд кайфиятда олқишлаганини кўрганингизда эди.

Болалигимизда ўқиган битиклар онгимизда умрбод муҳрланиб қолган. Шулардан бири ёзувчи Максим Горькийнинг ушбу сўзлари: “Алёша, агар пулинг жуда кўп бўлса, нима харид қилган бўлардинг?” деган саволга ёш Алексей “Пулим кўп бўлса, китоб сотиб олган бўлардим” деб жавоб қилган. Кейинчалик бу ёзувчи “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман” деб ёзган эди.

Нурободлик меҳнат фахрийси Бобомурод Маҳмудов ҳикоя қилади: “Ўртабўз қишлоғидан Нишон бува минг ойнинг юзини кўрганига ош берди. Нима совға олсам экан, деб ўйландим. Охири Махтумқули шеърлари битилган тўпламни олиб бордим. Тўйга совға-саломлар кўп тушди. Фарзандларидан бирининг айтишича, тўйдан кейин барча совғалар жой-жойини топиб кетибди. Фақатгина битта китоб қолибди. Отахон кунда, кун ора ўша китобдан бир неча варағини олиб мутолаа қилармиш. Вақти-соати келиб оқсоқол оламдан ўтибди. “Ҳозир ҳам сиз совға қилган китобни қўлга олганимизда отамни, у киши қаторида сизни ҳам ёдга оламиз” дейди. Қаранг, оддий бир китоб қанчадан-қанча қалбларга нур ато этяпти”.

Грузинларда янги турмуш қураётган оилага Шота Руставелининг “Йўлбарс терисига ёпинган паҳлавон” китобини совға қилиш анчадан буён удум бўлиб келади. Бизда ҳам янги ҳаёт бошида турган ёшларга Алишер Навоийнинг ўн жилдлик мажмуасини ҳадя қилиш учраб турибди. Шундай ажойиб удумлар ҳаётимизни безайверсин. Қўлига китоб ушлаган инсон кўнглида фақат эзгулик жўш уради. Китоб тутган зотга ёвуз ҳислар бегона бўлади.

Китоб ўқиган инсон ҳаётнинг ҳар қандай мураккаблиги олдида қандай ҳаракат қилишни яхши билади. Ақлли инсон чигал вазиятлардан қандай чиқишни билади. Доно эса ўшандай вазиятга тушмайди. Доно бўлишнинг ягона йўлига китоб ўқиш орқали эришиш мумкин.

Китоб инсонни илҳомлантиради, унга қанот бахш этади. Айни пайтда ўзлигини англашга имкон яратади. Ўзлигини англаб етган одам кўп нарсаларга қодир.

### Мутолаа ҳаловати

Яширишнинг кераги йўқ, китобга меҳр қўйишда Ғарб мамлакатларига нисбатан орқадамиз. Шу маънода китобни ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида деб билишни улардан ўргансак арзийди.

1940 йилда Гленн Домен Пенсильвания университетининг физиотерапевт мутахассислигини олиб, биринчилар қатори болалар мияси ривожини тадқиқ эта бошлади, 1955 йилда Филадельфияда Инсон салоҳияти ютуқлари институтига асос солди. 60-йиллар бошида Институт жаҳонда эътироф этилиб, соғлом болалар ривожида муҳим кашфиётлар яратди. Гленн Доменнинг “Болани китоб ўқишга қандай ўргатиш мумкин” деган таълимоти дунёда машҳур. Тадқиқотчининг уқтиришича, ҳали ҳарф танимаган гўдаклар ҳам ёзувни ўқишга ташна бўларкан. Болакай кўча-кўйда “Метро”, “Кока-кола”, “Мегапланет” деган ёзувларни осонгина ўқийди.

Ўтмишдаги педагоглар узоқ давр мобайнида болаларимизни ўқиш-ўрганишга муҳаббат руҳида тарбиялашимиз лозимлигини қайта-қайта уқтириб келишган. Лекин кўп ҳолларда бу ишни қандай уддалаш ҳақида айтишмаган. Қадимги яҳудий донишмандлари ота-оналарга нонни яҳудий алифбосидаги ҳарфлар шаклида тайёрлашни маслаҳат қилишган ва болаларга нонни ўша ҳарфни ўқигандан кейин ейишга рухсат беришган. Сўзларни эса сабоқ доскасига асалда ёзишган. Ўшанда бола ҳарфларни ўқиш асносида лаззатли кулчаларни тановул қилган.

Ўқиш жараёни болага бениҳоя ҳузур-ҳаловат келтириши керак, зеро, бу ҳаётимиздаги энг мароқли ўйиндир.

Туғилган гўдак ҳаётининг дастлабки олти йилида миясида нима қолса, ўша муҳрланиб қолади. Шунинг учун биз бола қабул қилаётган ахборот тўғри бўлиши учун ҳаракат қилишимиз керак. Ёш болалар ўзлари тушунмаган нарсани ёдда сақлаганларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ёши катта одам олти ой олдин ёдлаган шеърини эсломаслиги мумкин, болаликдаги шеърларни сўрасангиз, дарҳол айтиб беради. Шунинг учун бола хотирасини босма қоғозга қиёслашади.

Бир қатор тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина буюк ва атоқли шахслар мактабга бормасдан олдин ўқишни ўрганишган.

Болалар жуда норасида даврида ўқишга ўрганиши кераклиги сабаблари қуйидагилардир:

- *Икки ва уч яшар болаларнинг ўта фаоллиги аслида билимга жуда ташналиклари туфайлидир. Агар болага кўпроқ ҳаракат қилишга, борлиқни ва ўзлигини англашга, билимга ташналикни лоақал маълум муддатга қондиришга имкон берилса, ўта фаоллик бирмунча пасаяди ва уларни кузатиш анча осонлашади, боланинг ўзи учун эса ўзликни ва атроф-муҳитни англаш осон кечади.*
- *Икки-уч яшар бола янги ахборотни осон қабул қилади. Кейинроқ бу осонликнинг имкони бўлмайди.*
- *Бу даврда болани ўқишга ўргатиш бошқа ёшдагига нисбатан анча енгил кечади.*
- *Эрта муддатда ўқишга ўрганган болалар бошқа болаларга нисбатан кўпроқ ҳажмда ахборотни ҳазм қилади.*
- *Ҳали гўдаклигида ўқий оладиган болалар кечроқ ўқишга ўрганган болаларга нисбатан, одатда, яхши тасаввур қилишади. Уч ёшли болакай китобни ифодали, тушуниб ўқишини кузатиш мароқлидир, бу ҳар сўзини алоҳида ўқиган ва жумлани яхлит ҳолда тушунмаган етти яшар бола билан таққосланганда яққол билинади. Бу мурғак болалар ўқишда чўчимайди ва мураккаб вазифа сифатида қабул қилмаслиги сабабли рўй беради. Кичик ёшдаги болалар ўқишни оламдаги яна бир ҳайратли нарса сифатида, ҳали ўрганиши керак бўлган ҳайратли нарса каби қабул қилади. Улар ўқишда тутилиб қолишмайди, балки ўта амалий жиҳатдан ўқишга қизиқишади.*
- *Ва, ниҳоят, юқорида тилга олинганлар билан бирга эрта ёшдаги болаларга ўқишга ўрганиш жуда ёқади.*

Биз юқорида эслатган Гленн Доменнинг “Болани китоб ўқишга қандай ўргатиш мумкин” китоби тарқагандан кейин ундаги тавсияларни ҳаётда синаб кўрган ота-оналардан минг-минглаб хатлар келади. Бу мактубларда (муаллиф уларнинг бир қисмини охирги нашрлардан бирида эълон қилган) китобга ошиқ бўлган фарзандлари фантастик натижаларга эришаётганлиги ҳақида ёзишади. “Мен ушбу китобингизни ҳамма ёш оилаларга тавсия қиламан”, “Мен болаларимга ажойиб ва ғаройиб дунёни очиб берганингиз учун катта раҳмат айтмоқчи эдим”, “Сиз тавсия қилган дастурни ишониб-ишонмай уч ёшли ўғлимга ўргата бошладим. Олти ойда у анча-мунча ўқий бошлади. Мени бундан ҳам ҳайратга солган ҳолат шу бўлдики, унинг бир ярим ёшли сингилчаси бирга-бирга савод чиқарди. Бугун улар ҳар қандай китобни шариллатиб ўқишади. Сизнинг бу тадқиқотингиз ва китобингиз учун катта раҳмат!” Бу сатрлар ўша мактублардан олинди.




Ўз фарзандлари ҳали етти ёшга етмасдан китобларни бемалол ўқиши хат муаллифларини чексиз ҳайратга солади. Аслида китобнинг чин мўъжиза эканига ҳаётий мисол эди булар. Фақат китобгина инсон маънавий оламида шундай инқилобий ўзгаришлар ясаши мумкин. Оқ қоғозга қора бўёқда битилган, саҳифалари тартиб билан тикилган китоб ана шундай буюк қудратга эга.

### Беминнат устоз

Юртимизда китобга меҳр уйғотиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳаётимиз кўзгуси — оммавий ахборот воситаларида ёрқин акс этади. Масалан, “Халқ сўзи” газетасининг бир йилдаги сонларида шу мавзуда чиққан мақолаларнинг сарлавҳаларига эътибор қилайлик. “Интернетга вақт топасиз, мутолаагачи?”, “Маънавий қувват манбаи”, “Бунда булбул китоб ўқийди”, “Болалар учун аудио эртаклар”, “Бошқаларига ўхшамайдиган китоблар уйи”, “Достонлар гўзал фазилатларни шакллантиради”, “Ўзим ўқиган мактабга — менинг китоб туҳфам”, “Китобсиз келажак йўқ”, “Мутолаа тафаккурни бойитади”, “Китоб — қалб чироғи”, “Гран-прига лойиқ кўрилган китоб”, “Келиб кетма — билиб кет”. Бу сарлавҳалар, қатрада қуёш акс этганидек, китобхонликка эътибор қанчалик эканлигини ёрқин ифода этган. Шунингдек, “Ишонч” газетасида йил мобайнида “Мутолаа бор экан, эзгулик барқарордир”, “Тўхтабоевнинг сири”, “Мутолаа завқи”, “Мутолаага ўзгача ёндашув”, “Маърифатга элтувчи йўл” сарлавҳали мақолалар берилган. “Ёшлар овози” газетаси саҳифаларида бир йилда шундай сарлавҳали мақолалар тақдим этилган: “Мутолаа этади давом”, “Китоб ўқимасанг, дунёга келганинг бекор”, “400 та китоб чакки эмас”, “Мутолаа — ёшлар камолотининг ҳал қилувчи босқичи”, “Беминнат устоз”, “Бетакрор сабоқ”. Китоб ижод маҳсули экан, ижодкорликнинг ранг-баранг палитраси газеталардаги сарлавҳаларда ҳам акс этиб турибди.

“Ўзбекистон” телеканалида таниқли журналист Умида Усмонованинг “Имтиҳон” кўрсатувларидан бирида икки қадрдон дўст ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади. Бундан йигитнинг отаси хабар топиб, ўғли ва дўсти қадрдонлигини тиклаш йўлини излайди. Маърифатли инсон донишмандларча йўл тутади. Ўғлининг дўсти хонадонига меҳмонга бориб, тенгдоши — отахон билан дийдорлашади. Хонадон соҳибларига дўстлик қадр-қиммати ҳақидаги китобни совға қилади.

Донишманд халқимиз ҳар бир инсонга хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, феъл-атворига қараб лўнда баҳо беради. Айтайлик, бирор ярашмаган қилиқ қилган, бефаросатлигини намоён этган одамга “Хаҳ, ўқимаган” деб, ҳар ишни рисоладагидек бажарувчи, дидли-фаросатли инсонга нисбатан “Ўқиган-да бу” деб баҳо беради. Бу ўринда ўша одамнинг маълумот даражасидан ҳам кўпроқ китоб билан ошно бўлган-бўлмаганлиги назарда тутилади. Агар у китоб ўқиган бўлса, ҳамиша ҳаётда намунали, ибратли фаолият юритиши англашилади.

Президентимизнинг китобхонлик зарурати ҳақидаги талаб ва топшириқларининг маъноси ниҳоятда серқиррадир. Агар халқимиз китобхон бўлса, бу ноёб неъматнинг яратилиш заҳматига ҳурмат-эътибор етарли бўлади. Китоб орқали маънавий оламини бойитган инсонлар ўз ҳаётини ҳам китобларга монанд йўлга қўяди, жиноятчилик кўчасидан анча нари юради. Ҳаётга қўяётган қадами, оила аъзоларига, яқинларига, ён-атрофдагиларга муносабати ҳам китобга ҳамоҳанг бўлади. Давлатимиз раҳбари боғчага борган бола билан боғчага бормаган бола ўртасида қанча фарқ бор, деган гаплари чин маънода ҳаётийдир. Биринчи синфга боғчада тарбияланган бола ҳарф таниб, аниқроғи, китобни қўлга олиб келади. Ана шу тафовут бир умрлик тарбияда намоён бўлади.

Китобнинг ҳар қандай моддий неъматдан устун эканлигини Президентимизнинг қуйидаги сўзлари яққол ифода этади: “Агар сиз фарзандингизга данғиллама уй қуриб берсангиз — вақти соати келиб у эскириши мумкин. Агар энг зўр машинани олиб берсангиз — у ҳам тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз — у ҳам бир куни сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса фарзандингизга берган билим ва ҳунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, кимдан олиш мумкин. Аввало, китоб деган хазинадан”.

Яна бир ўринда Президентимизнинг “Эртанги кунини ўйлаган, фарзандларини чин маънода комил инсонлар этиб тарбиялашни мақсад қилган ҳар қандай жамият, аввало, уларнинг қўлига китоб беради, уларни китобга ошно қилади” деган фикрлари ҳар бир зиёлининг кўнглидаги гап.

Ҳар йили кўркам фаслда пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар марказларида гўзал боғ ва хиёбонларда анъанавий “Китоб байрами” ўтказилади. Ўшандай ажойиб тадбирларда атроф гуллардан ҳам кўп нарса — китоб билан безалади. Ўша лаҳзаларда болажонларимизнинг юз-кўзларидаги қувончга эътибор қилинг. Айниқса, китоб харид қилган ўғил-қизлардаги мамнуниятга назар ташланг. Китоб инсон қалбида эзгулик туйғуларини жўш урдирадиган ҳақиқий мўъжизадир.

* * *

Ижтимоий тармоқда эълон қилинган китоб ўқишнинг 21 фойдаси ҳақидаги битикларга бир назар ташлайлик:

- мутолаа асабни тинчлантиради;
- уйқусизликдан қутулишга ёрдам беради;
- қалбни юмшатади;
- мия фаолиятини яхшилайди;
- тушкунликка қарши курашга ёрдам беради;
- инсонни гўзаллаштиради;
- ҳаётдан мақсадни англашга ва қийинчиликларни енгишга ёрдам беради;
- китоб ўқийдиган одамлар ҳаётда фаол бўлишади;
- хотирани ва фикрлаш қобилиятини яхшилайди;
- сўз бойлигини оширади;
- ёзувчилик қобилиятини ривожлантиради;
- чет тилини ўрганишни осонлаштиради;
- тинглаш қобилиятини ривожлантиради;
- ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради;
- хасталикка чалинишнинг олдини олади;
- биргаликда китоб ўқиш ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларини яхшилайди;
- маънавий қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради;
- китоб ўқийдиган болалар дарсларни яхши ўзлаштиради;
- жиноятчиликнинг олдини олади;
- яхши ҳикоягўйга айлантиради;
- яхшилик қилишга ундайди.

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари томонидан “Миллий китобхонлик ҳаракати”га старт берилди, бу ташаббус миллионлаб юртдошларимизни китоб мутолаасига чорлаши шубҳасиз.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Мушоҳада

# МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

*Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ёш авлодни билимли, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида бир эзгу ғоя мужассам: илмли жамият — кучли давлат пойдеворидир. Шу маънода сўнгги йилларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, мутолаани кенг оммалаштириш, айниқса, ёшлар қалбида китобга муҳаббат уйғотиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.*

Халқимиз азалдан китобни маърифат чироғи, илмни эса инсонни камолотга етакловчи энг улуғ неъмат деб билган. Буюк аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, уларнинг ҳар бири китоб ва илмга бўлган беқиёс муҳаббати билан юксак мақомга эришганига гувоҳ бўламиз. Имом Бухорий ҳазратлари бутун умрини ҳадис илмига бағишлаб, минглаб ривоятларни саралаб, инсоният маънавий хазинасига бебаҳо мерос қолдирди. Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби зотларнинг ҳаёти ҳам изланиш, тафаккур ва маърифат билан чамбарчас боғлиқдир. Улар учун китоб шунчаки билим манбаи эмас, балки миллатни уйғотувчи, инсон қалбини нурлантирувчи қудратли восита бўлган.

Бугун ана шу азалий анъана Янги Ўзбекистонда алоҳида мазмун ва амалий натижалар билан боймоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган муҳим ташаббуслар доирасида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш бўйича белгиланган вазифаларда китобхонлик ва мутолаа маданияти муҳим йўналишлардан бири сифатида кўрсатилган.

Бу борада қабул қилинаётган қарорлар, миллий дастурлар ва кенг қамровли лойиҳалар жамиятимизда китоб ўқишни оммавий ҳаракатга айлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 15 январда қабул қилинган “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Унга мувофиқ, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши белгиланди.

Эътиборлиси, бугун китобхонликни рағбатлантириш фақат тарғибот ёки чақириқ билан чекланиб қолмаяпти. Илмга, мутолаага, зеҳн ва тафаккурга интилаётган ёшлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. “Ёш китобхон” танлови, “Ёш китобхон оила”, “Мушоира”, “Заковат” каби лойиҳалар йигит-қизлар қалбида билимга иштиёқ уйғотиб, уларни китоб билан дўстлаштирмоқда. Бу танловлар ғолибларига автомобиллар, йирик пул мукофотлари ва бошқа қимматбаҳо совринлар топширилаётгани эса китобхон ёшларга берилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир. Масалан, “Ёш китобхон” танловида ғолиблар Президент совғаси — автомобиль ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланиши белгиланган.

Яқин кунларда мамлакатимизда китобхонлик ҳаракати янада кенг миқёс касб этди. Давлатимиз раҳбари томонидан Миллий китобхонлик ҳаракатига старт берилгани бу йўналишдаги ишларга янги суръат бағишлади. Ушбу ташаббус доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан 11-синфигача бўлган ўқувчилар иштирок этиши, танловнинг финал босқичи ҳар йили Президент даражасида ўтказилиши, умумий йиллик мукофот жамғармаси 240 минг долларни ташкил этиши, бош соврин соҳиби эса 50 минг доллар билан тақдирланиши маълум қилинди. Бу мамлакатимиз тарихида китобхонлик соҳасидаги энг салмоқли мукофотлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур ташаббуснинг илгари сурилиши халқаро ҳамкорлик билан ҳам уйғун кечаётгани эътиборга молик. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2026 йил 22 май куни Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги дўстлик ҳамда стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Айни шу кунларда Ўзбекистонда Миллий китобхонлик ҳаракатига старт берилиб, унда жаҳонда кенг танилган “Араб китобхонлик танлови” тажрибаси ҳам эътиборга олингани қайд этилди.

Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки бугун дунёда тараққиётни илм, инновация, юксак тафаккур ва маънавият белгиламоқда. Китоб ўқиган авлод фикрлайди, таҳлил қилади, янгилик яратади, ўз юрти тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Шу боис китобхонликни ривожлантиришга қаратилган ҳар бир ташаббус, ҳар бир танлов, очилаётган ҳар бир кутубхона, чоп этилаётган ҳар бир янги нашр — мамлакат келажагига қўйилаётган маънавий сармоядир.

Бугун юртимизда китобхон ёшлар учун катта мукофотлар таъсис этилаётгани, Президент даражасида уларнинг билими ва салоҳияти эътироф қилинаётгани жамиятимизга муҳим бир ҳақиқатни англатмоқда: Янги Ўзбекистонда илм қадрланади, китобхон ёшлар қўллаб-қувватланади, маърифат эса миллий тараққиётнинг энг муҳим мезони сифатида улуғланади.

Зеро, китобга қайтган жамият — ўз илдизига, ўз маънавий қудратига, ўз келажагига қайтган жамиятдир. Халқимиз асрлар давомида китобни азиз билган, алломалар етиштирган, илм билан дунёга танилган. Бугун эса ана шу буюк анъана давлат сиёсати, замонавий лойиҳалар, халқаро ҳамкорлик ва ёшлар орзуси билан уйғунлашиб, янги маърифий ҳаракатга айланмоқда. Бу ҳаракатнинг мақсади аниқ — китобхон миллат, билимли авлод ва маърифатли келажакни барпо этиш.

**Рустам ЖАББОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**2026 йил 1 декабрдан маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан маҳалла ҳудудидаги қабристонни ободонлаштириш бўйича эҳтиёжидан келиб чиқиб Ободонлаштириш бошқармасига ариза киритиш амалиёти йўлга қўйилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.51 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6